



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 29 - dekabr

107n -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Дехқонобод” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли бино ва иншоотларига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Тумандаги “Дехқонобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Э.Собировнинг Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 14 декабрдаги ХО-С-3494-сонли сўровномасини, Боғот туман ҳокимининг 2013 йил 27 августдаги 787қ-сонли қарори, 2015 йил 26 августдаги 66ф-сонли фармонини, Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 14 январдаги 72-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 7, 20, 29-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р            Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами ички ўлчами 344,37 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 509,76 квадрат метр, умумий ер майдони 2040,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу бино ва иншоотлар “Дехқонобод” маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. “Дехқонобод” маҳалла фуқаролар йиғини (Э.Собиров)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**

**Ш.Яхшибаев**